# СОВЕТ ПАРЛАМЕНТИ ҲОЗИР ВА КЕЛАЖАКДА

## А. И. Лукьяновнинг ТАСС парламент мухбири саволларига жавоблари

**САВОЛ. Шундай қилиб, СССР Олий Советининг биринчи сессияси тугади. Агар эсингизда бўлса, халқ депутатлари съездидан кейин Олий Совет бундай составда муҳим масалаларни ҳал қилишга қодир эмас, деган гаплар бўлган эди. Бу тахминларни ҳаёт рад этдими? Янги совет парламенти иши натижаларини сиз қандай баҳолайсиз?**

**Жавоб.** Сессиянинг сиёсий аҳамиятини М. С. Горбачев ўзининг якунловчи нутқида белгилаб берди. Мен аввало шуни таъкидламоқчиманки, СССР Олий Советининг ишини сиёсий ислоҳотнинг бутун жараёнидан алоҳида баҳолаш мумкин эмас. Қонун чиқарувчи, фармойиш берувчи ва назорат қилувчи олий органнинг сессияси — ана шу жараённинг узвий ва ғоят масъулиятли бўғинидир. Қандайдир даврда мамлакатимиздаги барча ижтимоий-сиёсий турмушнинг оғирлик маркази шу ерга, Олий Советга кўчди. Шу жиҳатдан қараганда янги совет парламенти барпо этилиши билан боғлиқ умидларимиз оқланди, дейиш учун ҳамма асослар бор, деб ўйлайман.

Сессияда ҳамма иш силлиқ ўтди, деб бўладими? Йўқ. Муҳокама қилинган ҳамма масалалар баравар аҳамиятга эга, дейиш мумкинми? Йўқ, албатта. Бошланган, лекин охирига етказилмаган ишлар ҳам бўлдими? Шунақаси ҳам бўлди. Лекин, эҳтимол, ҳозир бу қадар қаттиқ талаб қилмаслик керакдир. Янги сифатга эга бўлган СССР Олий Совети вужудга келди, бу эса энг муҳими. У пировард натижада коллектив маҳоратни ҳамда вазиятга баҳо беришда, қонун лойиҳаларини таҳлил этишда, масъулиятли қарорларни пухталаштириш ва қабул қилишда профессионализмни намойиш этди.

Ҳеч бўлмаса ташкилий-фармойиш берувчи деб аталган масалаларни, аслида эса сессия ҳал қилган муҳим давлат масалаларини олиб кўрайлик.

Сессия Олий Советнинг комитетларини ва Олий Совет палаталарининг доимий комиссияларини тузди, СССР халқ депутатлари биринчи съезди топшириқларини амалга ошириш режаларини кўриб чиқди, топшириқлар эса оз эмасди. СССР Олий Совети Халқ контроли комитети, Олий суд, прокуратура, СССР давлат арбитражи коллегиялари каби энг асосий давлат органларини ҳам тузди. Қайси масалани олмайлик — уларнинг ҳар бири биз учун парламент фаолияти соҳасида мутлақо янги масала эди.

Олий Совет иши ва вақтининг анчагина қисми ўзингизга маълумки, ҳукуматни тузишга сарфланди. «Тузиш» деган сўз биринчи марта реал мазмунга эга бўлди. Қизғин баҳслардан кейин тасдиқланган министрлар жуда жиддий демократик имтиҳондан ўтиб, халқ вакилларидан ваколат олиб, парламент минбаридан мутлақо бошқа одам бўлиб тушишди.

Халқимиз-чи? Министрлар тўғрисида халқ олдин нималарни биларди? Сессияда министр лавозимига номзодлар бир неча соат давомида депутатларнинг саволларига жавоб берганини, ўз программаларини тақдим этганини, Олий Совет тармоқларнинг энг яхши раҳбарларини танлаб олганини энди одамлар ўз кўзлари билан кўрдилар. Аслида «икки томонлама» қаттиқ назорат бўлди. Лекин, менимча, ҳали бу ҳам кам. «Уч томонлама назорат» — парламент қабул қилган қарорлар қандай амалга оширилиши устидан назорат бўлиши керак. Эҳтимол, бу парламентнинг энг асосий вазифасидир.

Ҳукуматнинг тузилиши депутатларнинг ўзлари учун ҳам мактаб бўлди. Депутат Г. И. Фильшин айтганидек, бу бутун бир академия бўлди, мен бу фикрга қўшиламан. Назаримда депутатлар биринчи марта экономикамизнинг ҳар бир тармоғида нималар бўлаётганини аниқ ҳис этдилар.

Сессия қабул қилган қарорларни бир неча йирик мажмуага ажратиш мумкин. Булар экономика, иқтисодий ислоҳотни чуқурлаштириш масалаларидир. Сўнгра булар ижтимоий сиёсатни амалга ошириш билан бевосита боғлиқ масалалардир. Масалаларнинг учинчи мажмуаси — жойларда ҳокимиятни мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлардир. Жумладан, ижроия комитетларининг ҳисоботини эшитиш учун маҳаллий Советларнинг навбатдан ташқари сессияларини ўтказиш тўғрисидаги қарордир. Тўртинчи мажмуа — социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш ва хусусан, жиноятчиликка қарши курашни қатъиян кучайтириш тўғрисидаги қарордир. Ниҳоят, халқаро муносабатлар соҳасига тааллуқли бир қанча ҳужжатлар қабул қилинди.

СССР Олий Советининг қайси қарорини алоҳида таъкидлаш керак? Бу аввало шу йилнинг 1 октябридан бошлаб гражданларимизнинг кам таъминланган тоифаларига пенсиялар миқдорини ошириш тўғрисидаги қарордир. Агар Олий Совет фақат шу масаланинг ўзини ҳал қилганида (бу қарор бевосита 30 миллион кишининг тақдирига тааллуқлидир), шунинг ўзи ҳам парламент ишига ижобий баҳо бериш учун етарли бўлур эди.

Аммо Олий Совет ана шу қарорни қабул қилиш билан чекланиб қолгани йўқ. Халқ учун молларни ҳамда дори-дармонларни харид қилишни анча кўпайтириш тўғрисида ҳам қарор қабул қилинди. Студентларни муддатидан олдин армия хизматидан бўшатишга қарор қилинди. Мамлакат ижтимоий ҳаётининг турли соҳаларини тартибга солиши лозим бўлган бир қанча бошқа қарорлар қабул қилинди. Мен уларни санаб ўтирмайман. Шундай тартиб қарор топдики, амалда Олий Совет мажлиси кун тартибидаги деярли ҳар бир масала у ёки бу комитетда ёҳуд комиссияда олдиндан кўриб чиқилди, деб таъкидлаш мумкин. Бу комитет ва комиссияларда билимдон, ўз касбини яхши эгаллаган кишиларнинг тўпланганлиги келгусида ҳам қонун лойиҳаларини, қарорларни пухта ишлаб чиқишга, шунингдек асосли хулосаларни парламент муҳокамасига тақдим этишга имкон беради.

Шундай қилиб, менимча, Олий Советнинг комитетлари ва Олий Совет палаталарининг доимий комиссиялари тобора кўпроқ даражада парламентимизнинг ўзига хос лабораторияларига, синов базаларига айланмоқда. Бу — мамлакат ва халқ ҳаётига тааллуқли жуда кўп катта муаммоларга ёндашувлар пайдо бўлаётган ва синаб кўрилаётган бўғиндир.

**САВОЛ. Депутатлар бир неча ҳафта давомида мамлакат ҳаётининг муҳим масалаларини муҳокама қилиш билан банд бўлдилар. Улар миллатлараро можаролар, шахтёрларнинг иш ташлашлари давомида Кремлда пайдо бўлган муаммоларни ҳал қилишга қай даражада кўмаклашдилар? Сессияда тузилган, воқеа юз берган жойга жўнаб кетган депутатлар комиссияларининг фаолияти самараси қандай бўлди?**

**Жавоб.** Олий Советнинг аъзолари, сессия ишида фаол қатнашган халқ депутатлари у ёки бу воқеаларга нисбатан ўз фикрларини дарҳол билдирганликларини айтиб ўтишим керак. Улар Кузбассга, Донбассга, Воркутага ҳамда мамлакатнинг бошқа «қайноқ» нуқталарига учиб боришди. Жойларда уларнинг иштироки билан танг вазиятдан чиқишга, бу вазият тарқалишининг олдини олишга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқилди. Бундай ҳозиржавоблик ва тезкорлик умуман Олий Советнинг хусусиятига айланаётганлиги яхшидир.

СССР Олий Советининг кончиларнинг иш ташлаши билан боғлиқ мурожаатномаси халқ хўжалигининг бир қанча тармоқларидаги ва регионлардаги ишларнинг аҳволидан бизнинг умумий ташвишимизни кўрсатди. Бундан буён ҳам парламентнинг эътибори экономиканинг асосий вазифаларига, ижтимоий муаммоларга қаратилишига ишончим комил.

Бевосита коллектив низолар, уларни ҳал этиш тартибига келганда шуни айтиш керакки бу масалага доир қонун лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Яқин вақт ичида у матбуотда эълон қилинади.

Энди миллатлараро ишлар тўғрисида. Маълумки, бу хусусда СССР халқ депутатлари съезди бир неча топшириқ берган эди. Тегишли комиссиялар ишни давом эттирмоқда. Уларнинг иши тўғрисида олдиндан гапириш учун ҳеч қандай асосимиз йўқ. Келинг, сабр қилайлик.

Олий Совет Тоғли Қорабоғ юзасидан, месхети турклари, қрим татарлари, совет немислари муаммолари юзасидан бир қанча комиссиялар тузди. Ана шу муаммоларнинг ҳар бири кўп йиллик тарихга эга, ҳар бири ўткир ва қийин муаммо бўлиб, ҳар томонлама ўйлаб кўришни тақозо этади.

Комиссияларнинг дастлабки мажлислари бўлди, улар жойларга жўнаб кетишди. Масалан, Тоғли Қорабоғ автоном области хусусида ташкил этилган ва С. И. Манякин бошчилик қилаётган комиссия Тоғли Қорабоғда бир неча кун бўлди, юзлаб одамларнинг — ҳам арманлар, ҳам озарбайжонларнинг фикрини эшитди. Ана шундай вазиятда бир хил қарорга келиш осонми? Комиссиянинг иши давом этмоқда.

Бошқа комиссиялар ҳам ишни давом эттираяпти. Улардан дарҳол қарорлар қабул қилиш ва тавсиялар беришни талаб этиш жозибали бўлса ҳам, реал эмас, албатта. Халқ депутатлари зўр бериб иш олиб боришмоқда, биз, чамаси, кузги сессиядаёқ уларнинг хулосаларини эшитамиз. Ҳозир эса ана шу масалаларда вазмин бўлиш ва ақл-идрок билан иш тутиш муҳимроқ.

**САВОЛ. Сессияда депутатларнинг ташкилий иши билан боғлиқ масалаларга кўп эътибор берилди. Олий Совет комитетларида, парламент иккала палатасининг комиссияларида бўлиб ўтган мунозаралар депутатларнинг фикрлари ва манфаатлари хилма-хиллигини кўрсатди. «Манфаатдошлар» группалари пайдо бўлди, регионлараро группа тузилди. Улар парламент фаолиятида қандай ўрин тутади?**

**Жавоб.** Бу хусусда қуйидагиларни айтган бўлардим. Халқ депутатлари съездининг иши вақтида ва ундан кейин, Олий Советнинг сессиясида депутатларнинг хилма-хил группалари, бирлашмалари пайдо бўлди. Булар аграрчилар, экологлар, ишлаб чиқариш соҳасидан сайланган депутатлар, ёшлар группаси, «афғон» депутатлардир. Олий ва ўрта мактаб муаммолари билан боғлиқ депутатлар ҳам фаол ишладилар. Манфаатлари, касбининг умумийлиги билан боғлиқ бошқа группалар ҳам бор, бир-бирлари билан баҳслашиши, биргаликда ўйлаб кўриши лозим бўлган депутатлар группалари бор. Бу эса муайян фойда бермоқда, баҳслар давомида ҳақиқатни аниқлашга имконият яратмоқда. Регионлараро депутатлар группаси пайдо бўлди, эсингизда бўлса, аввал бошда, съезднинг дастлабки иш кунларида уни «Москва группаси» деб аташган эди.

Бу группа қарорлар, ҳужжатлар, қонун лойиҳаларининг бошқа вариантларини тайёрлашни ўз мақсади деб эълон қилди. Равшанки, бундай режанинг ўзи ҳеч қандай эътироз уйғотмади. Бунинг устига съезд давомида ҳамда сессияда жуда кенг доирадаги масалалар юзасидан ўнлаб ўхшаш таклифлар киритилди. Агар қарорларнинг бошқа вариантларини ишлаб чиқишгина ана шу группанинг мақсади бўлса, бундай савол туғилади; группа фақат шу мақсад билан чекланиб қоладими, чунки унинг вакиллари, агар бошқа ҳаракатлар фойда бермаса, «кураш олиб боришга» тайёр эканликларини айтмоқдалар-ку?

Такрор айтаманки, депутат ёки депутатлар группаси нормал, амалий иш давомида ҳар қандай таклифларни киритишлари мумкин, бунинг учун бошқалардан қандайдир йўл билан ажралиш талаб қилинмайди.

Хуллас, бу соҳада равшан бўлмаган жиҳатлар кўп. Шу боисдан группалар қандай йўлда ҳаракат қилишини, уларнинг йўналиши қандай бўлишини кўриш керак. Хуллас, агар бу группа жамиятни парчалаб ташламаса, балки уни жипслаштириш ғоясига кўмаклашса, агар у турли «декчалар» учун эмас, балки умумий қозонни тўлдириш учун ишласа, у ҳолда группанинг куч-ғайратларини табриклаш мумкин бўлур эди.

Яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман: мен турли нуқнаи-назарлар, фикрлар ва позицияларнинг мавжудлигини нормал, табиий бир ҳол деб биламан. Жипслашишга олиб борадиган йўл мулоқотни тўхтатиш орқали эмас, балки уни изга солиш орқали ўтади, лекин бу йўлда кескинликни, ишончсизликни, гуруҳбозликни кучайтирмаслик керак.

Шу муносабат билан Иван Алексеевич Буниннинг хотираларидан бир сюжетни эслайман. Бунин икки қўшни заминдор «Уруш ва тинчлик» китобини қандай ўқиганини ҳақида ҳикоя қилади. Улардан бири фақат «уруш»ни, иккинчиси фақат «тинчлик»ни ўқиган экан. Бири китобни ўқиётиб, урушга оид қисмини ташлаб кетар экан. Иккинчиси эса бунинг аксини қилар экан. Бизнинг ишимизда ҳам баъзан шунга ўхшаш ҳоллар бўлаяпти. Биз ана шундан тезроқ холи бўлишимиз керак.

**САВОЛ. Вақт тез ўтиб бормоқда, парламент таътили ҳам тугайди, бу таътил депутатлар учун беташвиш бўлмайдиганга ўхшайди — улар дам олиш вақтида ҳам ишлашларига тўғри келади. Маълумки, 18 сентябрда ҳамма яна Москвада тўпланади. СССР Олий Совети фаолиятининг истиқболлари тўғрисида нима дейиш мумкин, кузда қандай асосий масалалар муҳокама қилинади?**

**Жавоб.** Олий Совет аъзолари таътил пайтида бажариш учун каттагина «уй вазифаси» олдилар. Булар ўндан ортиқ қонун лойиҳаларидир.

Гапни сессия 1990 йил плани ва бюджети лойиҳаларини кўриб чиқишидан бошламоқчиман. Бунинг устига иқтисодий ривожланишнинг салбий тенденцияларини қатъиян тўхтатишни, молияни соғломлаштиришни кўзлаб муҳокама қилиш лозим. Бу жўн вазифа эмаслигини тушуниб турибсиз.

Бу ҳам ягона вазифа эмас. Депутатлар СССР халқ депутатлари съезди ва СССР Олий Совети регламенти лойиҳасини, халқ депутатлари мақоми, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ва маҳаллий хўжаликнинг умумий асослари тўғрисидаги қонунларнинг лойиҳаларини ўзлари билан биргаликда олиб кетишди. Бундан ташқари мулк тўғрисида, ер ва ердан фойдаланиш ҳақида, ижара муносабатлари тўғрисида, социалистик корхона ҳақида, пенсиялар тўғрисида, шунингдек маҳсулот сифати, ихтирочилик фаолияти ҳақидаги ва бошқа қонун актларининг лойиҳалари ҳам бор.

Хуллас сессияга тақдим этиладиган ҳужжатлар мажмуаси асосли тарзда тайёрланиши керак. Сессиянинг ўзи эса (буни унутмайлик) СССР халқ депутатлари иккинчи съездига ўзига хос тайёргарлик босқичи бўлади. Съездда юқорида санаб ўтилган масалалардан ташқари аввало халқ депутатлари биринчи съездида тузилган комиссияларнинг ахборотлари ҳам тингланади.

Умуман эса парламент фаолиятининг янги босқичи тағин ҳам самарали бўлишига қатъий ишонаман. Чунки энди биз ишни пойдевор қўйишдан бошламаймиз, пойдевор ётқизилган. Энди бинони тиклаш пайти келди.

---

# ИНТИЗОМ ВА УЮШҚОҚЛИК

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЙИЛИ ТАҚДИРИНИ, ҲОСИЛ ТАҚДИРИНИ ҲАЛ ҚИЛАДИ

(Боши 1-бетда).

Дон учун маккажўхори етиштириш ҳақида гапириб ўтмоқчиман. Бу ерда ҳам сув тақчил. Сув бўлмаса, чангланиш сифатли ўтмайди, дон тўлиқ бўлмайди. Нечоғли қийин бўлмасин, бу аҳволдан чиқиш йўлларини топиш, экинларни суғориш керак. Айни вақтда оралиқ экинларини ҳам унутмаслик лозим.

Ниҳоят, сўнгги бир мулоҳаза. Чорва қишловига тайёргарлик қандай бораётгани текшириладиган пайтга 50 кун қолди. Расмиятчиликни йиғиштириб қўйиб, бу ишга амалий ёндашиш керак. Ҳозирнинг ўзидаёқ биноларнинг тешик-тирқишини ёпиш, уларнинг ремонтини бошлаш, ускуналарни созлаш керак. Бу ишларнинг ҳаммаси вақтида бажарилса, яхши самара беради. Ҳафсалани пир қилмаслик керак. Оғир шароитларда пиллачилар яхши ишлашди, ҳозир пахтакорлар яхши ишлашмоқда. Куч-ғайрат билан меҳнат қилинаётган ерларда пахта ҳосили яхши бўлади.

**Б. Сериков** — Мирзачўл районидаги Сегизбоев номли совхоз директори:

— Бизда ғўзанинг ривожи тахминан 10 кун кечикмоқда. Ёзнинг бошида кечикиш анча кўпроқ эди.

Олдинги йилларга нисбатан баҳор қийинчиликлари тўғрисидаги гаплар анча камайди. Марказдан бериладиган фармойишлар ҳам камроқ бўлиб қолди. Деҳқонлар учун энг асосий нарса — пировард натижа эканлигини тушуна бошлаганга ўхшаймиз.

Ўзгариб бораётган психологик вазият дала ишлари тактикасига ҳам таъсир қилди. Деҳқонлар деярли ҳар туп ғўзани ардоқламоқдалар. Агрономнинг обрўси ошмоқда. Бизнинг хўжалигимизда ҳар бир пайкал учун алоҳида сув—озуқа режими ишлаб чиқилган. Озиқлантириш, суғориш табақалаштириб ўтказилмоқда. Ғўзага эгат оралатиб сув тараяпмиз. Шунда сувдан самаралироқ фойдаланилади.

Дала ишларининг сифати деҳқонлар учун маиший ва ишлаб чиқариш шароитлари яратилишига бевосита боғлиқ. Ахир сувчилар қоронғуда чироқсиз ишлай олишмайди, бошқа буюмлар ҳам зарур.

Хўжалик ҳисоби, агротехникага умид қилганмиз. Одамларнинг куч-ғайрати ғўзанинг кечикишини бартараф этишда ёрдам берди. Теримни одатдаги муддатларда ёппасига бошлаймиз, деб ўйлайман.

Аммо, областдаги кўпгина хўжаликларда терим мавсуми кеч бошланади. Ғўза яхши ривожланмаётганлиги кўриниб турибди. Область агросаноат комитетида буни ташвишли рақамлар тасдиқламоқда: 1 августгача 313 минг гектар майдонда ҳар туп ғўзада ўртача учта ва ундан кўпроқ кўсак ҳосил бўлди.

Шунга қарамай, аҳволни ўнглаб олиш мумкин. Шу кунларда ҳар бир даладаги шароитни ҳисобга олиш лозим. Чунончи, биз ўзимиз экинни яна икки марта парвариш қиламиз, унча заҳлатмай суғорамиз. Ҳосилнинг мўл бўлиши ғўзанинг ўсиш нуқталарини чилпиш, баргини тўктиришга ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ.

Йиғим-теримга тайёргарликнинг аҳамияти жуда катта. Аммо ҳозир техникани тезроқ ремонт қилиш учун деҳқонларга ялинишга ҳожат йўқ. Республика Агросаноат давлат комитети барча тармоқлари узлуксиз ишлашини таъминлаш муҳимроқдир. Ҳозирча эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш борини олаверинг, кейин бир гап бўлар, деган усулда олиб борилмоқда. Бизга эса биринчи навбатда шпинделлар, поршенлар керак. Бинокорлик материаллари, айниқса ёғоч-тахта ҳамон муаммо бўлиб қолмоқда.

**М. Юсупов** — Хоразм область, Хонқа районидаги Охунбобоев номли колхоз раиси:

— Бизнинг экинзорларимизда юз берган вазият бутун область учун характерлидир. Экинзорларимизни уч группага ажратдик. Биринчи группага чигит вақтида экилган ерлар, иккинчисига экин табиат инжиқликларидан анча шикастланган, лекин қайта экилмаган ерлар, учинчисига қайта чигит экилган ерлар киритилди. Уларнинг чегараси аниқ белгилаб қўйилган. Иккинчи ва учинчи группадаги экинлар қўшимча парвариш қилиниб, озиқлантирилмоқда.

Умуман областда ғўза 10—12 кун кечки бўлиб қолди. Бироқ, сентябрь ойигача экинларни зўр бериб парвариш қилсак, кечикишни бутунлай тугатиш мумкин. Август — ҳосил тўплаш ойи. Шу сабабли ҳозир қўшимча равишда яна 30—40 кубометр сув олиб туриш зарур. Пахта териш техникаси ремонтининг суръати ва сифати кўнгилдагидек эмас. Эҳтиёт қисмлар етишмаяпти. Айниқса, шпинделларга муҳтожмиз. Областимизга ҳозирча 15 минг дона шпиндель кам берилди.

Область пахтакорлари йиғим-терим бошлангунга қадар ғўза парвариши суръатини бўшаштирмоқчи эмаслар. Бу эса мўл ҳосил гаровидир.

**Ҳ. Мамажонов** — Наманган районидаги «Ленинград» колхозининг раиси:

— Деҳқонлар бу йил кўпгина синовлардан ўтдилар. Ғўзага айниқса катта шикаст етди. Шунга қарамай, ғўзанинг ривожланишидаги кечикишни бартараф этиш учун барча чоралар кўрилаяпти. Натижа ёмон эмас, лекин, хотиржамликка берилмаслигимиз лозим: ҳали олдинда кўпгина қийинчиликлар бор.

Ғўзанинг ривожи ўтган йилга нисбатан 10—12 кун орқада қолган. Ўтган йили шу вақтда ҳар туп ғўзада ўртача 6 тадан ортиқ кўсак санаган бўлсак, ҳозир 6 та холос, улар ҳам бўлиқ кўсак эмас.

Ҳозир олдимизда қўлдан бой берилган имкониятларнинг ўрнини тезроқ тўлдириш вазифаси турибди. Ғўзанинг учини чилпишни қисқа муддатда туғаллаш зарур. Бизнинг хўжалигимизда ва умуман районимизда бу агротехника тадбири ўтказиб бўлинди.

Шу кунларда экинни ўз вақтида ва тўғри суғоришнинг аҳамияти катта. Ғўзанинг ҳолатига қараб суғориш керак. Кечки ғўзаларни минерал ўғитлар билан озиқлантириш лозим. Шундай қилсак, зарур миқдорда кўсаклар етилади. Шунингдек, парвариш орасини қисқартириб, ғўзага кўпроқ ишлов бериш лозим, фақат шундагина ҳамма майдонларда юқори нав хом ашё етиштирилиши таъминланади.

Дала ишларининг ҳаммаси деҳқонлар қўлида. Биз улар ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилаяпмиз. Дала шийпонларида жуда яхши шароит яратилган. Механизаторлар, сувчилар, колхозчиларнинг кундалик нормаси бирмунча қисқартирилди. Хўжаликда бригада, оила пудрати кенг ривожланди. Ижара ҳам жорий этилмоқда.

Ижтимоий соҳа тез суръатлар билан ривожланмоқда. Колхозимизда тўртта болалар боғчаси, ҳаммом, клуб, бир неча медицина пункти бор, колхозчиларга томорқа участкалари ажратиш масаласи ҳал қилинмоқда.

Шунга қарамай, хўжалик ижтимоий соҳани ривожлантиришда турли муаммоларга дуч келмоқда. Уй-жойларни қуриш, газ тушириш, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш муаммолари тегишли ташкилотларнинг раҳбарлари лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлашни икки-уч йилгача чўзмай, белгиланган муддатда топширганларида анча тезроқ ҳал қилинган бўлар эди.

**М. Мироқов** — Ульянов район ижроия комитетининг раиси:

— Ғўзанинг ривожи анча-мунча — 20—25 кун кечикаяпти. Агар ижара пудрати жорий этилмаганда, аҳвол бундан ҳам ёмон бўларди деб ўйлайман. Одамларнинг пировард натижадан шахсан манфаатдорлигигина бу йилги тиғиз ишларни уддалашга имкон берди.

Аммо ҳамма нарса одамга боғлиқ эмас. Объектив сабаблар ҳам бор, биринчидан сув етишмаяпти. Иккинчидан, шпинделлар ва бошқа эҳтиёт қисмлар етишмаяпти. Биз ҳозир қўшимча культивация ўтказаяпмиз.

Бегона ўтларга ва ғўза зараркунандаларига қарши курашга катта эътибор бераяпмиз. Биологик усуллар тобора кўпроқ майдонларда қўлланилмоқда.

**Р. С. Қосимов** — Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги давлат комитети раисининг биринчи ўринбосари:

— Бу ерда сув камчиллиги ҳақида ҳамма гапираяпти. Тўғри, сув хўжалигидаги вазият ҳозир унча яхши эмас, ҳароратнинг пастлиги, ёғингарчиликнинг йўқлиги, қуруқ шамол тупроқдан намнинг тез кўтарилишига олиб келди. Апрелнинг охири — майнинг бошларидаги совуқ аҳволни тағин ҳам чигаллаштирди. Бир ярим миллион гектар ерга чигит қайта экилди. Бу эса ерларга қўшимча сув беришни талаб қилди. Шундай қилиб икки ярим миллиард куб метр сув ортиқча сарфланди.

Федченко музлигидаги паст ҳарорат Амударё, Зарафшон дарёлари ҳамда Фарғона водийсидаги сойларда сувнинг кўп йиллик нормадан 35—45 процент кам бўлишига олиб келди. Вазият мураккаблашганлиги сабабли республика ҳукумати Фарғона водийсидаги сой системалари сувни кўпайтириш ва совуқ уриш оқибатларини тугатиш учун Норин — Сирдарё дарёсидан сув олишни бир миллиард куб метр кўпайтиришга рухсат беришни сўраб СССР Министрлар Советига мурожаат қилди. Ана шундай рухсат олинди. Амударёнинг қуйи оқимида Туямўйин сув омборидаги сувнинг тўла сарфланиши сабабли юз берган вазиятни енгиллаштириш учун деярли бир ойдан буён Норак сув омборидан секундига 1300 куб метр сув оқизилмоқда.

Каттақўрғон омборида ғамланган сув яқин кунларда тугайди, бу сув омбори Зарафшон дарёси оқимини тартибга солиб туради. Шу муносабат билан августда Самарқанд ва Сирдарё областларида, август ва сентябрнинг бошларида Хоразм области, Қорақалпоғистон АССР, шунингдек Бухоро ва Қашқадарё областлари хўжаликларида катта қийинчиликлар туғилиши кутилмоқда. Ҳозир Туямўйин сув омборида сув қолмади, камчиллик ўрнини тўлдириш учун сув йўқ.

Бундай шароитда мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланишга, тупроқдаги намни сақлаб қолиш юзасидан агротехника тадбирларини амалга оширишга алоҳида эътибор берилиши керак. Пудрат муносабатлари ривожлангач сувни бригадалар ва хўжаликлар ўртасида тақсимлашга эътибор камайди — ҳар ким кўпроқ сув олишга уринмоқда. Сув сарфини қаттиқ назорат қилиш керак. Ҳар литр сув ҳисобга олиниши ва ундан самарали фойдаланилиши лозим. Тунда суғоришни ташкил этиш, сувчиларнинг ишлаши ва дам олиши учун барча шарт-шароитларни яратиш, пайкалларни бостириб суғоришга ва сувни коллектор — зовур шохобчаларига оқизиб юборишга йўл қўймаслик зарур. Зовур сувларини чучук сувга аралаштириб, ундан имкони борича фойдаланиш талаб қилинади. Бироқ сув ғоят камчил бўлишига қарамай кўпгина хўжаликлар сув ресурсларига хўжасизларча муносабатда бўлмоқдалар. Масалан, Қашқадарё, Сурхондарё, Фарғона областларида сувнинг 92—93 процентидан фойдаланилмоқда, 7—8 проценти исроф бўлмоқда. Шу сабабли қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги ходимларидан юз берган шароитда сувдан фойдаланишни назорат қилишни кучайтиришни яна бир бор илтимос қиламиз. Биз эса сув хўжалиги системаларининг нормал ишлашини ташкил этиш ва сув ресурсларини тақсимлаш учун ҳамма чораларни кўрамиз.

**Т. Йўлдошев** — «Узсельхозхимия» республика илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг раиси:

Август — пахта зараркунандаларига қарши курашда энг масъулиятли давр. Фаразлашга кўра ўргимчаккана ва кўсак қурти жуда кўп тарқалиб кетиши кутилмоқда. Шу муносабат билан ҳар бир хўжаликда ана шу зараркунандалар пайдо бўлган жойларни аниқлайдиган ва ўша ерларга дарҳол ишлов берадиган одамларни ажратиш зарур. Биологик усулларни қўлланиш ва сульфат препаратларини ишлатиш тавсия этилади.

Ўсимликларнинг тез авж олиши учун чириган гўнг ёки гўнг-тупроқ аралашмасини ҳар гектар ерга 500 килограммдан 1500 килограммгача солиш тавсия этилади.

Дефолиация хусусида гапирадиган бўлсак, у магний хлорати, кальций хлорат хлориди ва драпп препарати билан ўтказилади. Экинзорларнинг катта қисмига ердан туриб ишлов берилади. Ҳосил кечроқ етилиши муносабати билан дефолиация муддатлари сурилади ва бу юмушни жуда қисқа муддат — 10-12 кунда, салқин тушиб қолган кезда ўтказишга тўғри келади. Шунинг учун ҳам барча областлар ва районларда тажрибали мутахассислар иштирокида кўрик конкурслар ўтказиб, зарур миқдорда механизаторлар, сигналчилар ва ёнилғи солувчиларни танлаб олиш керак. Дефолиацияда банд бўлган барча кишилар медицина қаровидан ўтишлари, шахсий муҳофаза воситалари ва махсус кийим-кечак билан таъминланишлари керак.

Дала аэродромларини, ёнилғи солиш воситаларини, эритмалар тайёрланадиган идишларни тартибга келтириш, трактор шатакка оладиган пуркагичларни яхшилаб созлаш керак, токи дефолиант ғўза тупидаги барча баргларни хўлласин. Препаратларни қадоқлашга алоҳида эътибор бериш лозим: агар нормадагидан камроқ бўлса, барг тўкилмайди. Нормадан ортиб кетса, барг қуриб қолади, аммо тўкилмайди, кўсаклар эса нобуд бўлади.

**Р. Ҳусанов** — «Союзхлопок» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори:

— Пахтакорнинг қўли-қўлига тегмаяпти — етиштирилган ҳосилни асраб қолиш, ҳосилга-ҳосил қўшиш керак. Ғўза қайта экилгани, ўсимлик учун самарали ҳарорат етишмагани, сув тақчиллиги сабабли вазифа яна мураккаблашмоқда. Ҳар бир тупда ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1—2 та шона кам. Шунинг учун сентябрь ойининг биринчи ўн кунлигида ҳам парваришни давом эттириш, ҳосилга-ҳосил қўшиб боравериш керак бўлади. Ҳамма ерда чилпишни туғаллаш шу яқин кунлардаги энг муҳим вазифадир. Кўпгина хўжаликлар ана шу муҳим ишни анча чўзиб юбордилар. Ҳамонки ғўзанинг етилиши орқада қолаётган экан, чилпишни кечроқ ўтказиш мумкин, деган нотўғри фикрлар пайдо бўлди. Шундай қилинса, ҳосилнинг етилиши кечикади, сорти паст пахтанинг улуши ортади. Ҳамма ерда мўлжалдаги пахта хирмонини кўтариш учун кўсаклар етарли. Эндиги бош вазифа уларнинг тўкилиб кетишига йўл қўймасликдир.

Тупроқда етарлича нам бўлишига эришиш — пайсалга солиб бўлмайдиган вазифалардан биридир. Ҳосил тугунчалари пайдо бўлаётган кезда ғўза сувга маҳтал бўлади. Сувнинг камлиги ҳам, ҳаддан зиёдлиги ҳам ўсимликни эзиб қўяди. Ҳар бир участкага табақалаштирилган ёндашиш зарур — бир марта суғоришнинг қанча вақт давом этишига қараб, тупроқнинг типини инобатга олиб суғориш нормаси гектар бошига 650 куб метрдан 950—1000 куб метрга етиши мумкин. Суғориш нормаси кўпайиб кетса, ғўза туплари ўсиб кетиб, кўсаклар тўкилиб кетади. Ҳар бир участканинг ҳолига қараб парвариш қилиш учун сувчиларни кўпайтириш керак. Хўжаликлар ичида ва хўжаликлар ўртасида сув оборотини, тунги суғоришни ва ерости сувлари яқинроқ жойлашган майдонларда қатор оралатиб суғоришни ташкил этиш керак. Сув тақчил бўлганида шундай қилганимиз маъқул. Аммо нам етишмаса, кўсаклар тўкилиб кетади.

Культивация ўз вақтида ўтказилса, суғоришнинг самараси юқори бўлади. Суғоришдан кейин тупроқни юмшатиш — албатта ўтказилиши лозим бўлган тадбирдир. Кун иссиқ бўлганида тракторни секинроқ юргизиб, культивация қилиш айни муддаодир. Шундай қилсак, кўсакларга шикаст етмайди. Шу муносабат билан механизаторларнинг иш нормаларини ҳам қайта кўриб чиқиш керак бўлади. Тупроқни юмшатиш туфайли бегона ўтлар ҳам йўқолади.

Айни вақтда йиғим-теримга ҳам тайёргарлик кўриш керак: дефолиантларни ташиб келиш, механизаторларни тайёрлаш, эритма қуйиладиган пунктларни ҳозирлаш, пуркагичлар, ўрим техникасининг бутун комплексини шай қилиб қўйиш керак. Август ойидаги меҳнат яхши хирмон кўтариш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

**И. А. Каримов** — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари:

— Бугун жуда зарур ва муҳим гаплар айтилди. Эътирозлар билдирилди, фойдали маслаҳатлар берилди. Якун чиқариб қуйидагиларни айтмоқчиман.

Ҳосил тақдирини ҳал этиш учун яна бир ой вақт бор. Йил оғир келди. Республикада ғўзасига у ёки бу даражада зиён етмаган бирорта ҳам хўжалик йўқ.

Демак, биринчи хулоса бундай. Ҳосил етиштира олган уста пахтакорларга раҳмат. Бунинг ўзи бўлгани йўқ. Одамлар чарчашди. Демак, биз, раҳбарлар, қишлоқ меҳнаткашлари ҳақида катта ғамхўрлик қилишимиз керак. Уларнинг меҳнатини рағбатлантириш, пахтакорларнинг мириқиб дам олиши учун барча шароитларни яратиш керак. Қишлоқларда, дала шийпонларида одамлар учун зарур бўлган барча нарсалар муҳайё этилиши лозим.

Авж олиб кетган иш бугун ҳаммамиздан ташаббускорликни, ишчанликни ва уюшқоқликни талаб этади. Ҳосилнинг тақдири шуни талаб этмоқда.

Иккинчи хулоса. Интизом мустаҳкам бўлиши керак. Бу яна бир муҳим омилдир. Такрор айтаманки, ҳозир мустаҳкам интизом жуда муҳим омилдир. Интизом қаттиқ, аммо адолатли бўлиши лозим. Интизомни мустаҳкамлаб, ҳар бир кишининг пировард натижа учун масъулиятини оширибгина биз муайян муваффақиятларга эриша оламиз, мўлжалланган мақсадга етамиз.

Учинчи хулоса. Ҳозир кўп нарса раҳбарнинг обрўсига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам район партия комитетлари ва район ижроия комитетлари раҳбарларига мурожаат қилмоқчиман. Азиз ўртоқлар, фақат халқ билан ҳамнафас бўлиб, у билан бирга ишлаб обрў-эътибор орттиришингиз мумкин.

* * *

Кенгаш ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси Ғ. Ҳ. Қодиров, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Д. Д. Берков, Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг раиси Ҳ. Алимова, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари, республика Агросаноат давлат комитетининг раиси И. Ҳ. Жўрабеков иштирок этдилар. И. Ҳ. Жўрабеков бир қанча саволларга жавоб берди.

(ЎзТАГ).

